

раққий этувчи ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишини таъминловчи имкониятларга эга тармоқ эканлигини исботлади.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатнинг бир фоиз иқтисодий ўсишини таъминлаш учун телекоммуникация саноатини уч фоизга ошириш зарур. Шу нуқтаи назардан, телекоммуникация тармоғи нафақат жамият тараққиёти ва мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаши, балки барқарор иқтисодий ўсишини таъминлайдиган муҳим манбадир.

**Хулоса** ўрнида айтиш лозимки, мамлакатимизнинг баъзи телекоммуникация корхоналари маркетинг фаолиятида ахборот тизимларини такомиллаштириш жараённида замонавий ахборот тизимининг етарлича ривожланмагани, маркетингнинг етарлича илмий жиҳатдан

ташкил этилмаганлиги ва соҳа бўйича асосли маркетинг тадқиқотлари олиб борилмаётганлиги каби муаммолар мавжуд. Мазкур муаммоларни ҳал этишда корхонада маркетинг ахборот тизимини ташкил этишнинг барча босқичида раҳбар ва ходимларга юқори талаб кўйилади ҳамда улар қўйидаги хусусиятлар: ахборот технологияларини бошқариш бўйича умумий билим ва қўникмаларга; корхона фаолияти турига тегишли у ёки бу тармоқдаги ишлаб чиқариш технологияси бўйича билим, малака ва қўникмага; бозордаги аҳволни таҳлил қилиб, унинг конъюнктура ўзгаришларига мослашиш қўникмаларига; корхона ресурсларини кўпроқ фойда келтирадиган фаолият турига йўналтира олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Хонкельдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришининг илмий-методологик асослари. Иқт.фанлари доктори илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2018. – 71 б.
- Каплан Р.С., Нортон Д.П. Организация, ориентированная на стратегию. Как в новой бизнес-среде преуспевают организации, применяющие сбалансированную систему показателей. / Пер. с англ. – М.: ЗАО Олимп-Бизнес, 2004. – 416 с.
- Ансофф И. Стратегическое управление. – М.: Экономика, 1989. – 358 с.
- Портер М. Международная конкуренция. Пер. с англ. / Под. ред. В.Д.Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993. – 64 с.
- Муратов Р.С., Джалолова И.А., Орипов С.Ш. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т., 2014. 35-б.
- Улашев И.О., Атамурадов Ш.А. Корхона иқтисодиёти ва менежменти. Ўқув қўлланма. – Т., 2013. 24-б.
- Хонкельдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришининг илмий-методологик асослари. Иқт. фанлари доктори илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2018. – 71 б.
- Абдураупов Р.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестицияни корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизmlарини такомиллаштириш. Иқт. фанлари доктори илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2017 й. – 70 б.
- H5https://aniq.uz/yangiliklar/qaysi-hududda-aloha-va-axborotlashirish-sohasida-xizmatlar-eng-kup-kursatilgan
- Джуманиязов Ф.Қ. Алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари фаолиятида сифат менежментини такомиллаштириш. – Т., 2010 йил. 36-б.
- Маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



#### УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

Сиддиқов Асқар Аҳрорович -  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти катта ўқитувчиси

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a47](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a47)

**Аннотация.** Мақолада Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириши стратегиясини амалга ошириш механизм ёритилган бўлиб, стратегик режалаштириш жараёни, стратегияни амалга ошириш механизми комплекс, тизимли, дастурий-мақсадли ва ресурс ёндашуви асосида кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар.** Инновацион стратегия, умумий овқатланиш соҳаси, стратегик режалаштириш, технологик менежмент, лойиҳаларни бошқариш, гастрономик туризм, стратегик иқтисодий зона, стратегик иқтисодий марказ.

#### МЕХАНИЗМ РЕАЛИЗАЦИИ СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ

Аскар Аҳрорович Сиддиқов -  
Самарқандский институт экономики  
и сервиса ст.преп.

**Аннотация.** В статье освещены процесс стратегического планирования, механизм реализации инновационной стратегии развития сферы общественного питания Самаркандской области на основе комплексного, системного, программно-целевой и ресурсного подход.

**Ключевые слова.** Инновационная стратегия, сфера общественного питания, стратегическое планирование, технологический менеджмент, управление проектами, гастрономический туризм, стратегическая экономическая зона, стратегические экономические центры.

## TECHNOLOGY OF IMPLEMENTATION STRATEGY OF DEVELOPMENT OF THE SPHERE OF CATERING

*Siddikov Askar Akhrorovich -  
Samarkand institute of economics  
and service senior lecturer*

**Abstract.** The article highlights the process of strategic planning, the mechanism for implementing an innovative strategy for the development of the public catering sector of the Samarkand region based on an integrated, systemic, program-targeted and resource approach.

**Keywords.** Innovation strategy, public catering, strategic planning, technological management, project management, gastronomic tourism, strategic economic zone, strategic economic centers.

**Кириш.** Давлатнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган мавжуд самарали иқтисодий фаолиятни амалга ошираётгандигига қарамай, умумий овқатланиш соҳаси субъектларининг технологик ўзгаришларни, соҳадаги иқтисодий муносабатлар, шунингдек мослашувчан бозор инфратузилмаси шаклланишига уйғунлашган инновацион фаолиятини йўлга қўйишга етарлича эътибор қаратилмай келинмоқда. Натижада соҳанинг худудлар ва мамлакат ЯИМ таркибидаги улушкининг сезиларсиз даражада сақланиб қолишига, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бирига айланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу боисдан ҳам, умумий овқатланиш соҳасини бир вақтнинг ўзида хизматлар соҳаси тармоқлари ўртасидаги қиймат яратиш занжирни ва иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида олиб қараш, инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш дол зарб масалалардан бири ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегияси давлатнинг саноатини ривожлантириш стратегияси, инновацион ривожланиш стратегияси, фан, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт, таълим ва бошқа тармоқларни ривожлантириш стратегияси билан узвий боғлиқликда амалга ошириладиган соҳавий ҳаракатлар дастуридир. Хорижлик олимлардан А.Томпсон, А.Стриклендинг (Arthur Thompson, Jr., A.J. Strickland III, and John. Gamble) илмий ишларида стратегия тушунчасига "стратегия – рақобат кураши олиб бориш усули" сифатида изоҳланган [1].

Г. Минцберг, Дж.Б.Куинн, С.Гошалнинг фикрларига кўра, "стратегия бу режа сифатида ташкилотнинг муайян вазиятдаги ҳаракатлар кетма-кетлигини, модел сифатида ҳаракатлар шакли, хулқ-атвори ва тамойилларини, позиция сифатида ташкилотни фаолият тури бўйича позициялаштиришни ва истиқбол сифатида корхонанинг бизнес фалсафасини ифодалайди" [2]. Бунда муаллифлар стратегияни рақобат устунлигига эришиш усули сифатида баҳолагандар.

Ўзбекистонлик олимлардан Т.С.Шариповнинг илмий ишларида овқатланиш хизматлари бозорида рақобатбардошликтининг моҳияти, турлари, мезон ва қўрсаткичлари ҳақида, уларни аниқлаш йўл ва усуллари, шунингдек, рақобатбардошликтин ошириш, овқатланиш корхоналари самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган [3].

Н.Қ.Йўлдошев ва бошқалар, инновацион стратегиянинг моҳиятини ёритиб беришда "бозор муносабатларининг кенг тус олиши, товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат афзалликлари танланган стратегия ва уни амалга оширишнинг муваффақиятига боғлиқ деб тушунтиради" [4].

К.М.Ибодовнинг илмий тадқиқотларида умумий овқатланиш соҳасининг тармоғи сифатида ресторан хизматлари соҳасини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиялари, маркетинг дастурини ишлаб чиқиши такомиллаштириш масалалари ўз аксини топган [5].

Шу билан бирга юқорида кўриб ўтилган олимларнинг илмий изланишларида стратегия тушунчасининг умумий овқатланиш соҳаси хусусиятига боғлиқ жиҳатларини, ушбу соҳада инновацион стратегияни ишлаб чиқиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

**Тадқиқот методикаси.** Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини умумий яхлит тарзда ифодалаш мақсадида жадвал ва расмлардан фойдаланилган.


**Таҳлил ва натижалар.** Соҳани инновацион ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад унинг рақобатбардошлигини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб:

- технологик интеграцияни, маҳсулот ва хизматларни диверсификация қилиш ва инновацион имкониятларини кенгайтириш;
- умумий овқатланиш соҳаси субъектлари ўртасидаги рақобатнинг ривожланишини рағбатлантириш.

Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун таклиф эти-

лаётган механизмлар бошқарувнинг иқтисодий, мотивацион, хукуқий, ташкилий таъсир кўрсатиш усуллари мажмуи ҳисобланади. Улар умумий овқатланиш соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга, муайян

омилларни бошқариш орқали стратегик мақсадларга эришишга, соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион имкониятларидан энг саралли фойдаланишга қаратилган (1-расм).



**1-расм. Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш технологияси**

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Инновацион ривожлантириш стратегияси мувозанатли бошқаришни, бизнес-жараёнларни интеграциялашган ҳолда амалга ошириш учун ахборот технологияларини қўллаб-қувватлашни, ресурсларни тақсимлашни тартибга солишини ўз ичига олади[6].


Фикримизча, умумий овқатланиш соҳасида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида инновацион, техник ва технологик лойиҳалар, мақсадли дастурлар ҳамда улар доирасида реjalashтирилган тадбирларни амалга оширишнинг бошқа воситалари ҳам стратегик восита сифатида хизмат қилиши мумкин (2-расм).

Инновацион ривожланиш стратегиясининг алоҳида йўналиши инвестиция сиёсатидир[7]. Умумий овқатланиш соҳасидаги инновацияларнинг ресурс таъминоти янги инвестиция муҳитини шакллантириш, шу жумладан давлат иштирокидаги инновацион лойиҳаларда орқали жалб қилинган хусусий инвестицияларни ўз ичига олади. Шу билан бирга бюджет-солиқ имтиёзлари ҳам хусусий инвестицияларни жалб қилиш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Инновацион ривожланиш стратегиясини муваффақиятли амалга оширишда, аввало, инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш механизмилари самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ.

Умумий овқатланиш соҳасининг инновацион ривожланишини давлат субсидиялари бўйича қўллаб-қувватлаш борасида қатор камчиликлар мавжуд. Шу боисдан ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларини соҳада илмий тадқиқотлар ва бизнес стартапларга йўналтириш самарали ҳисобланади.

Фикримизча, умумий овқатланиш соҳаси инновацион ривожлантириш стратегиясини минтақавий ва зарур ҳолларда худудий туристик кластерлар инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантиришга, аввало, бюджетга тўловларнинг ва аҳолининг даромадлари ва истеъмол сарфлари пастлиги тўсқинлик қиласи. Инновацион ривожланиш стратегияси фаолият юритмаётган ва самарасиз корхоналар ходимларини қайта тайёрлаш, малакали кадрларни жалб этиш чора-тадбирларини ҳам назарда тутади. Фикримизча, стратегияни амалга ошириш учун инновациялар учун сийўналтирилган харажатлар ҳажми ва рентабеллигини ошириш зарур. Ушбу кўрсаткичлар инновацион фаоллик ва хизматларнинг жозибадорлигини тавсифлайди. Инновацион технологияларни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар ва уларнинг самарадорлиги узоқ муддатли истиқболда корхона фаолиятининг бошқа кўрсаткичларини ҳам яхшилаш имконини беради.



**2-расм. Умумий овқатланиш соҳаси ривожланишини стратегик режалаштириш жараёни**

*Манба:* муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Стратегияни амалга ошириш комплекс, тизимли, дастурий-мақсадли ва ресурс ёндашувига асосланади. Комплекс ёндашувга кўра умумий овқатланиш соҳасида мавжуд муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ҳал қилиш кўзда тутиди. Дастурий-мақсадли ёндашувга асосланадиган бўлсақ, белгиланган аниқ мақсад, прогноз параметрлари ва уларни амалга оширишни назарда тутади. Ресурс ёндашуви эса умумий овқатланиш соҳасининг мавжуд ички имкониятлари ва турли ресурсларидан оқилона фойдаланишдан иборат.

Инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми, иқтисодий, ахборот, хукуқий, маъмурий ва ташкилий воситалар, инновацион фаолиятнинг хукуқий асослари ва саноат сиёсатини амалга ошириш, инновацион фаолият субъектларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларидан фойдаланишга асосланади (3-расм).

Стратегияда режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёни умумий овқатланиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигини режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, инновацион фаолигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидағи фаолиятини такомиллаштириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш орқали комплексни ривожлантириш кабиларни ўз ичига олади.

Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми фаолиятни тизимли таҳлил қилиш ва баҳолаш,


илғор технологияларни жорий этишни имконий асослаш, рақобат салоҳиятини ривожлантиришга ҳам боғлиқ бўлиб, ресурсларни тежаш ва экологик талабларга мувофиқлашган технологиялардан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг юқори инновацион даражасини сақлаб қолиш имконини беради. Инновацион стратегияни амалга ошириш воситаларидан фойдаланиш соҳани инновацион ривожланиш йўналишига ўтишини таъминлашга қаратилган инновацион ғояларни ишлаб чиқиши ва тегишли ҳаракат дастурларини шакллантиришга қаратилади [8].

Фикримизча, инновацион стратегияни амалга ошириш лойиҳаларни бошқариш механизмига асосланishi лозим (4-расм). Чунки инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишда лойиҳавий бошқарувни жорий этиш этиш соҳасда модернизация ва инновацион ривожланиш бўйича кенг этиш кенг кўламли муаммоларни ҳал этишни кўзда тутади. Шу билан бирга, ушбу дастурларнинг ўзаро уйғунлашуви мультиплектив самарага эга бўлиб инновацияларга йўналтирилган стратегик тармоқни шакллантириш имконини беради.

Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Дастрлабки босқичда, инновацион фаолиятни хукуқий қўллаб-кувватлаш, соҳада субъектлари фаолиятини сертифициратлаш, маҳсулот портфелини ишлаб чиқиш орқали унинг репродуктив барқарорлигини йўлга кўйишига эътибор қаратилиши лозим, бунинг асосида соҳадиги инқизорзга учраётган йўналишларни аниқлаш уларни ҳар томонлама мо-

лиявий соғломлаштириш шакллари, устувор молиялаштириш учун истиқболли корхоналар, иқтисодий ўсиш нуқталарини аниқлаш мумкин. Стратегияни амалга оширишнинг ушбу босқи-

чида умумий овқатланиш соҳасини ривожлантириш ва инқирозга юз тутган корхоналарда бизнес жараёнлар реинжинииринг бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш зарур [9].



**3-расм. Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш воситалари**

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг иккинчи босқичида соҳани қайта ташкил этиш, инновацион ривожлантириш йўналишини белгиловчи стратегик иқтисодий зоналар ва марказларни босқичма-босқич трансформациясини амалга ошириш керак. Бунинг учун “Умумий овқатланиш бўйича стратегик иқтисодий зоналар ва стратегик иқтисодий марказлар” дастури, “Умумий овқатланиш соҳасини технологик модернизация қилиш дастури”, “Гастрономик кластер”, “Инновацион соҳада тадбиркорликни ривожлантириш дастури” каби лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Стратегияни амалга оширишнинг учинчи босқичида соҳа рақобатбардошлигини таъминлаш кўзда тутилади. Рақобатбардошлик, аввало,

умумий овқатланиш соҳасида яратилган маҳсулот ва хизматларнинг экспортига йўналтирилганлигини таъминлашга қаратилиши лозим. Бунинг учун соҳа моддий-техника базасини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишни жадаллаштириш, корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, турдош тармоқлар билан ўзаро қиймат яратиш ва технологик занжирлар ташкил этиш ва инновацион фаоллигини таъминлаш зарур[10]. Инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича лойиҳаларни бошқариш доирасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш дастури, умумий овқатланиш соҳасининг илмий-инновацион инфратузилмасини ривожлантириш дастури каби бир қатор дастурларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.



**4-расм. Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш босқичлари**

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Умумий овқатланиш соҳасининг инновацион салоҳиятини оширишнинг стратегик йўналишларини амалга ошириш уни самарали бошқаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

#### Хулоса ва таклифлар

- инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича лойиҳаларни бошқариш доирасида рақамли иктиносидётни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- умумий овқатланиш соҳасининг илмий-инновацион инфратузил-масини ривожлантириш дастурини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ;
- инновацион стратегияни амалга оши-

риш жараёнида “Умумий овқатланиш бўйича стратегик иктиносидий зоналар ва стратегик иктиносидий марказлар” дастурини таклиф қилиш;

– “Умумий овқатланиш соҳасини технологик модернизация қилиш дастури”, “Гастрономик кластер”, “Инновацион соҳада тадбиркорликни ривожлантириш дастури” каби лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Мазкур таклифлар тадбирлар умумий овқатланиш соҳасининг иктиносидий самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу кўп жиҳатдан худуднинг ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга хизмат қиласди.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Томпсон А.А., Стрикленд А. Дж. Стратегический менеджмент. Искусство разработки и реализации стратегии: Учебник для вузов / Пер. с англ. под ред. Л.Г. Зайцева, М.И. Соколовой. – М.: Банки и биржы, ЮНИТИ, 2006. - 576 с.
2. Шарипов Т.С., Абдукаримов Б.А. Умумий овқатланиш: ҳолати, муаммо ва ечимлар. Монография. – Тошкент: Иктиносидёт, 2011
3. Шарипов Т.С. Овқатланиш хизматлари бозорида рақобатбардошлик масалалари. // Иктиносидёт ва инновацион технологиялар. № 1, январь-февраль, 2017 йил. 1-7-б.
4. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Гольдман Е.Д. Инновацион менеджмент. Дарслик. – Т: Иктиносидёт, 2011. – 312 б.
5. Ибодов, К. М. (2021). Самарқанд вилояти ресторон хизматлари соҳаси рақобатбардошлигини оширишининг маркетинг стратегияси. // Iqtisodiyot va ta'lim, (2), 147-154. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/84>
6. Mirzayev Q.J. va boshq. Restoran menejmenti. O'quv qo'llanma. – S: Turon nashr, 2020-y. -332 b.
7. Трофимов О.В. Формирование эффективных инновационных стратегий предприятий: проблемы и решения Текст / О.В. Трофимов. // Экономические науки. Экономика и управление. – 2010. – №9 (70).
8. Ibodov, K.M.(2022) Competitiveness of Restaurant Services of Samarkand Region: 7P's and CSI Approach. American Journal of Economics and Business Management. ISSN: 2576-5973, Vol 5, No. 6, 2022. 50-57pp.
9. Ибодов, К. (2022) Ресторан хизматлари соҳасида инновацияларнинг таснифланиши. // Iqtisodiyot va ta'lim, 23(6), 74-79. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/815>
10. Ибодов, К. (2022). Ресторан хизматлари соҳасини тадқиқ этишининг назарий-методологик жиҳатлари. // Iqtisodiyot va ta'lim, 23(4), 327-332. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/603>